

**«KOGON PAXTA TOZALASH» АЖ 2022 йил молия хўжалик фаолияти ва молиявий  
хисоботларини аудит текшируви натижалари бўйича  
ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЙИҒМА ХИСОБОТИ**

**Таҳлилий қисм**

**Бизнес режанинг бажарилиши**

Хисобот даври учун махсулот, товарлар сотишдан соф тушум 275 636 271 минг сўм миқдорида режалаштирилган. Ҳақиқатда соф тушум 395 779 796 минг сўмни ташкил этган. Хисобот даврида бизнес режа бажарилишининг таҳлили жадвалда келтирилган:

Қўрсаткичлар	Хисобот бўйича		Бизнес режада		Тафовут	
	Даромад (Фойда)	Харажат (Зарар)	Даромад (Фойда)	Харажат (Зарар)	Минг сўмда	Бажар илиш %
Махсулот товарлар сотишдан соф тушум (ККС сиз)	395 779 796	X	275 636 271	X	120 143 525	143,6
Сотилган махсулот таннархи	X	366 385 050	X	253 050 708	113 334 342	144,8
Махсулот сотилишидан ялпи даромад	29 394 746	-	22 585 563	-	6 809 183	130,1
<b>Давр харажатлари</b>	<b>X</b>	<b>24 624 260</b>	<b>X</b>	<b>11 732 601</b>	<b>12 891 659</b>	<b>209,9</b>
Сотиш харажатлари	X	1 671 913	X	2 521 131	-849 218	66,3
Маъмурий харажатлар	X	3 908 749	X	644 650	3 264 099	606,3
Бошқа операцион харажатлар	X	19 043 598	X	8 566 820	10 476 778	222,3
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлар	X	-	X	-		0,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	13 575 870	X	1 850	X	13 574 020	733 830,8
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	18 346 356	-	10 854 812	-	7 491 544	169,0
Молиявий фаолиятдан даромадлар (Жами)	209 699	X	4 000	X	205 699	5 242,5
Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	13 572	X	4 000	X	9 572	339,3
Фоизлар кўринишидаги даромадлар	192 329	X	0	X	192 329	0,0
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар	0	X	0	X		0,0
Валюта курслари фарклари кўринишидаги даромадлар	3 798	X	0	X		0,0
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0	X	0	X		0,0
<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>	<b>X</b>	<b>15 303 871</b>	<b>X</b>	<b>7 184 178</b>	<b>8 119 693</b>	<b>213,0</b>
Фоизлар кўринишидаги харажатлар	X	15 302 689	X	7 184 178	8 118 511	213,0
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) фоизлари кўринишидаги харажатлар	X	0	X	0		0,0
Валюта курслари фарклари кўринишидаги харажатлар	X	1 182	X	0		0,0
Молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари	X	0	X	0	0	0,0
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3 252 184	-	3 674 634	-	-422 450	88,5
Фавқулодда фойда ва зарарлар						0,0
Фойда солиғи тўлангунгача фойда (зарар)	3 252 184	-	3 674 634	-	-422 450	88,5
Фойда солиғи	X	2 924 046	X	928 757	1 995 289	314,8
Фойдадан бошқа солиқлар	X	0	X	0	0	0,0
<b>Хисобот даврининг соф фойдаси</b>	<b>328 138</b>	<b>-</b>	<b>2 745 877</b>	<b>-</b>	<b>-2 417 739</b>	<b>12,0</b>

Таҳлил қилинаётган даврда жамиятда давр харажатлари бизнес режадагига нисбатан 12 891 659 минг сўмга ошган, шу жумладан маъмурий харажатлар 3 264 099 минг сўмга, бошқа операцион харажатлар 10 476 778 минг сўмга ошган. Бошқа операцион харажатлар таркибида режалаштирилмаган ёрдамчи хўжаликлар фаолиятдан кўрилган зарар 1 128 287

минг сўми, келгуси давр харажатлари учун резерв 1 670 000 минг сўми, қўшимча ҳисобланган солиқлар 1 131 755 минг сўми ташкил қилган.

Сотиш харажатлари эса 849 218 минг сўмга камайган.

Молиявий фаолият харажатлари, хусусан фойзалар шаклидаги харажатлар бизнес режадагига нисбатан 8 118 511 минг сўмга ошган.

Фойда солиғи режага нисбатан 1 995 289 минг сўмга ошган.

Ҳисобот даврининг соф фойдаси бизнес режага нисбатан 2 417 739 минг сўмга камайган.

### **Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг аудити.**

**Бухгалтерия ҳисобининг тизими** – ҳўжалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йиғиндиси бўлиб, улар орқали молиявий ҳисоботда ҳўжалик операциялари ва бошқа воқеалар натижаларини идентификациялаш, тўплаш, таҳлил қилиш, ҳисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс эттириш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш усули сифатида ҳўжалик операциялари натижаларини қайта ишлашни билдиради.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича жавобгарлик, бош ҳисобчи томонидан бошқариладиган, жамият ҳисобхонасига юклатилган. Ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлар ҳисобхона томонидан тузилади.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби тўлиқ “1-С Бухгалтерия 7.7” дастурида журнал-ордер формасида юритилган. Барча моддий жавобгар шахслар томонидан ТМЗ ҳаракати бўйича ҳисоботлар тузилиб, ойма ой ҳисобхонага топшириб келинган. Бошланғич ҳисоб реестрлари, тузилган ойлик ҳисоботлар бўйича проводкаларга киритилган, ойма-ой қолдиқлар чиқарилиб, тегишли ҳисоб регистрларига тикилиб белгиланган тартибда сақланган.

#### **Хулоса:**

Мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тузиш, ва бухгалтерия ҳисобини юритиш устидан етарлича назорат ўрнатишга имкон беради.

#### **Ҳисоб сиёсати.**

Жамиятнинг тасдиқланган «Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоблари режаси» мавжуд. Ҳисоб сиёсат Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонуни ва миллий стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўпламини ифодалайди. Жамиятнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси ва ички бухгалтерия ҳисоботлари учун ҳужжатлар шакллариининг рўйхати, ҳужжатлар айланиш ҳамда ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологиялари, айрим кўрсаткичларни ҳисобга олиш бўйича тасдиқланган услубиётнинг бошқа иловаларни ўз ичига камраб олган ва ҳисоб сиёсати 1-сонли БХМС (АВда № 474 от 14.08.1998йилда қайд қилинган.)нинг 55 бандига риоя қилинган ҳолда тузилган. Йил давомида ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилмаган. Жамият бухгалтерия тизимини тугри ташкиллаштириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш вазифалари бош ҳисобчи бошчилигидаги масъул бўлинма ҳисобчи-иктисодчи-ҳодимларга юклатилган. Ҳар бир ҳисобчи ҳодимнинг бошланғич ҳисоботларнинг қабул қилиш, ҳисоботга киритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишдаги мажбуриятлари ва ваколатларни тақсимланиб раҳбар буйруғи билан расмийлаштирилган.

### **Корпоратив бошқарув тамойилларига риоя этилишини текшириш бўйича ҳисобот**

Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йил ва N223-Г “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-88 моддаларида жамиятни бошқариш ва бошқарувчи ташкилотнинг жавобгарлиги белгилаб берилган, мазкур Қонуннинг 63- моддасида;- Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради,- деб белгиланган.



Умумий йиғилиш жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгаши 2022 йил давомида 6 маротаба йиғилиш утказган. Бу йиғилишларда бизнес режа курсаткичларининг бажарилиши буйича бошқарув ҳисоботлари, жамият фаолияти давомида норматив ҳужжатларга амал қилиниши буйича аниқланган камчиликлар тугрисидаги ички аудит ҳисоботлари ва жамият фаолиятига боғлиқ бошқа масалалар куриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Жамият фаолиятини Бошқарув аппарати – ижроия органи бошқаради. Бошқарув раиси (бош директор) кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорларнинг умумий йиғилишида бир йил муддатга шартнома билан тайинланади.

Жамиятда корпоратив бошқариш принципларига риоя қилиши, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиниши зарур. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун тафтиш комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Жамиятда молиявий, ҳисоблаш ҳужжатлари ва шартномаларни расмийлаштириш тартиблари буйруқ билан ўрнатилиб, ушбу ҳужжатлардаги имзо учун мансабдор шахслар ўртасида уларнинг жавобгарлиги тақсимланган.

2022 йилда корхонага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та қарори, 1 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори, 5та топшириғи қирим қилиниб, тегишли 16, 26 назорат қарточкалари ўз вақтида очилган ва масъул ходимларга ижро учун етказилган ва ижроси назоратга олинган.

Юқори ташкилотдан 27та хат ва 99 та телефонограммалар, бошқа корхона ва ташкилотлардан 2022 йилда 59та хатлар қирим қилиниб ўз муддатларида жавоб хатлари юборилган.

Жисмоний ва Юридик шахслардан 13 та ёзма мурожаатлар қирим қилиниб, ижроси таъминланган ва ижроси бўйича қонуний муддатларда барчасига жавоб хатлари юборилган.

Бошқарув органи томонидан йил давомида 6 та йиғилиш ўтказилиб, қабул қилинган қарорлар ижроси мунтазам назорат қилиб борилган. Шунингдек таркибий бўлинмаларга ижро учун юклатилган қарор, буйруқлар ижроси бўйича жамият раҳбар, мутахассис – ходимлари ушбу қарор ва буйруқларнинг амалий ижросини таъминланишида бевосита қатнашиб келганлар.

### **Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текшириш бўйича ҳисобот**

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича жавобгарлик бош ҳисобчи томонидан бошқариладиган жамият ҳисобхонасига юклатилган. Ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлар ҳисобхона томонидан тузилади.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби тўлиқ “1-С Бухгалтерия 7.7” дастурида журнал-ордер формасида юритилган. Барча моддий жавобгар шахслар томонидан ТМЗ ҳаракати бўйича ҳисоботлар тузилиб, ойма ой ҳисобхонага топшириб келинган. Бошланғич ҳисоб реестрлари, тузилган ойлик ҳисоботлар бўйича провоткаларга қиритилган, ойма-ой қолдиқлар чиқарилиб, тегишли ҳисоб регистрларига тикилиб белгиланган тартибда сақланган.

### **Узоқ муддатли активлар**

#### **Асосий воситалар ва капитал қўйилмалар аудити**

Узоқ муддатли активлар бўлими учун БХМС№5 “Асосий воситалар”, БХМС№7 “Номоддий активлар”, БХМС№19 “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”, 04.12.02даги №1192 “Асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш тўғрисидаги низом”, Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрий база саналади.

#### **Асосий воситаларни харид қилиш ва чиқиб кетиши.**

Асосий воситаларнинг ҳисоби 0100 ҳисобварақларда, эскириш ҳисоби 0200 ҳисобварақларда олиб борилади. Ҳисобот даврида асосий воситаларнинг ҳаракати қуйидагича бўлган.

Сўмда	01.01.2022 да Қолдик	Айланма		31.12.2022 да Қолдик
		Дебет	Кредит	
Асосий воситалар	17 867 357 164,09	10 336 211 035,54	2 587 177 232,10	25 616 390 967,53

Бухгалтерия маълумотлари бўйича асосий воситалар кўрсаткичлари йил бошида ва ҳисобот даври охирида қуйидагича:

Счет№	Сўмда	Йил бошида	Ҳисобот даври охирида
01	Асосий воситалар	17 867 357 164,09	25 616 390 967,53
01.21	Бинолар	4 808 580 161,48	4 808 580 161,48
01.22	Иншоотлар	837 879 623,97	837 879 623,97
01.23	Узатувчи мосламалар	1 047 356 390,31	3 210 925 893,88
01.31	Қуч берувчи машина ва ускуналар	74 151 730,81	365 891 799,94
01.32	Ишчи машина ва ускуналар	6 391 633 727,34	7 825 292 948,76
01.40	Мебель ва офис жихозлари	12 490 441,87	12 490 441,87
01.50	Компьютер жихозлари ва бошка қурилмалар	465 952 432,13	576 555 070,39
01.60	Транспорт воситалари	4 137 959 662,63	7 887 422 033,69
01.90	Бошка асосий воситалар	91 352 993,55	91 352 993,55

Асосий воситаларни эскириши ҳисоб сиёсатига мувофиқ тўғри чизикли усулда Солик кодексининг 144-моддасида кўрсатилган меъёрлар бўйича ҳисобланган.

Счет№	Сўмда	Йил бошида	Ҳисобот даври охирида
02	Износ ОС	9 101 771 679,01	11 119 758 172,89
02.21	Износ здания	3 467 657 796,94	3 599 664 696,70
02.22	Износ сооружения	465 970 266,43	504 139 304,42
02.23	Износ передаточных устройств	854 442 191,08	920 189 614,63
02.31	Износ силовых машин и оборудования	44 802 057,63	58 598 138,50
02.32	Износ рабочих машин и оборудования	3 405 391 389,75	4 041 364 491,59
02.40	Износ мебели и офисного борудования	9 091 221,27	11 589 309,63
02.50	Износ компьютерных и проч. устройств	292 042 721,61	397 214 111,26
02.60	Износ транспортных средств	542 580 885,61	1 558 070 058,07
02.90	Износ прочих ОС	19 793 148,69	28 928 448,09

Эскириш ҳисобланиши бўйича эътирозлар мавжуд эмас. 2022 йил 31 декабр ҳолатида асосий воситаларнинг эскирганлик кўрсаткичи 43,4 % ни ташкил этади.

#### Узоқ муддатли инвестициялар аудити

Бухгалтерия маълумоти ва молиявий ҳисоботларда узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби объектлар кесимида юритилган.

0610- Қимматли қоғозлар ҳисобида сотиб олинган акциялар ҳисоби юритилади. 2022 йил ҳисобот маълумотлари жадвалда келтирилди:

Сўмда	Йил бошида қолдик	Йил давомида		Йил охирига қолдик
		Қирим	Чиким	
Агро банк ОАТБ 88925шт	103 864 400			103 864 400
Кол-во	88 925			88 925
Гиждувон пахта тозалаш АЖ(259749шт)	129 874 500			129 879 500
Кол-во	259 749			259 749
ПСБ Каган 328375-шт	6 239 125			6 239 125
Кол-во	328 375			328 375
Тадбиркор банк Каг(Микрокр)-7030шт	7 508 040			7 508 040
Кол-во	7 030			7 030
Итого	247 486 065			247 486 065

Ҳисобот даврида 0610 ҳисобварағида ўзгаришлар бўлмаган.

0620 – Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби



Сўмда	Йил бошида колдик	Йил давомида		Йил охирида колдик
		Кириш	Чиқим	
“Бухорои Шариф Барака Чеварлари”	1 279 000 000			1 279 000 000
Бухоропахтауругчилиги ООО	120 000 000			120 000 000
К.бозор тум. мониторинг марказ МЧЖ	54 370 000			54 370 000
Когон туман мониторинг маркази МЧЖ	40 590 000			40 590 000
Маданий спорт Калдиргоч МЧЖ	350 000 000			350 000 000
Пахтасаноатомалпарранда МЧЖ	35 175 000			35 175 000
Жами	1 879 135 000			1 879 135 000

### 0630- Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар.

Сўмда	Йил бошида колдик	Йил давомида		Йил охирига колдик
		Кириш	Чиқим	
Бухсозтаъмирсервис ООО	7 760 000			7 760 000
Олот пахта тозалаш ООО	200 000 000			200 000 000
Итого	207 760 000			207 760 000

### Капитал қўйилмалар аудити

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари буйича жамиятда 2022 йилда 7 749 034,0 минг сўмлик капитал қўйилма бажарилган ва асосий воситалар таркибига ўтказилган. Ҳисобот йили охирида капитал қўйилмалари ҳисобида колдик мавжуд эмас.

Капитал қўйилмалар буйича молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия маълумотлари орасида фарқлар аниқланмади.

Субконто	Сальдо на начало периода (сум)		Обороты за период(сум)		Сальдо на конец периода(сум)	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Водяной насос 200			22 900 560,00	22 900 560,00		
Водяной насос 200			23 728 045,00	23 728 045,00		
Водяной насос 200			23 728 045,00	23 728 045,00		
Водяной насос 250			24 500 000,00	24 500 000,00		
Водяной насос 300			50 231 423,00	50 231 423,00		
Водяной насос 300			50 231 423,00	50 231 423,00		
Водяной насос 300			50 231 423,00	50 231 423,00		
Водяной насос 300			50 231 423,00	50 231 423,00		
Водяной насос 350			62 047 698,00	62 047 698,00		
Водяной насос 350			62 047 698,00	62 047 698,00		
Водяной насос HW-350			46 395 000,00	46 395 000,00		
Камера (солнечный панел.,аккумулятор,ант			55 301 319,13	55 301 319,13		
Камера (солнечный панел.,аккумулятор,ант			55 301 319,13	55 301 319,13		
Кобалт 80 659 SBA (2021 й и/ч)			98 350 771,05	98 350 771,05		
Культиватор (к/х техника агрегати)			33 600 000,00	33 600 000,00		
Насос 80/100 15 квт			15 510 000,00	15 510 000,00		
Опрыскиватель вентиляторный универсалный			108 818 198,00	108 818 198,00		
Опрыскиватель вентиляторный универсалный			108 818 198,00	108 818 198,00		
Пума New Holland T7060 дв № 001742875			1 221 739 130,44	1 221 739 130,44		
Пума New Holland T7060 дв № 001742437			1 221 739 130,44	1 221 739 130,44		
СМАРТ -40 электрон газ улчагич(кантора)			34 000 000,00	34 000 000,00		
Станция насос -эл двиг 110 квт 1000об/м			186 316 709,85	186 316 709,85		
Станция насосная эл двиг 110 кВт 1000об			200 010 829,57	200 010 829,57		
Сув насос 300			32 000 000,00	32 000 000,00		
Топливорадатная Топаз-610- 51-2005/11 А			53 799 748,00	53 799 748,00		

Трактор New Holland T7060 дв № 001838798		1 207 633 339,13	1 207 633 339,13	
Трансформатор Уктам Жура замини фх)		18 079 200,00	18 079 200,00	
Трансформатор (КТП-100 ква)		28 695 652,00	28 695 652,00	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Адизов Музаф		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Жалилов Шукур		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Жасур Одил		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Жумабобо		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Журабек жахо		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Класс Бухоро		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- МЭЛС лазизбе		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Ниезбобо		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- порлок келаж		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Хушнудбек за		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-40 квт)- Нур Ислон фх		17 982 608,70	17 982 608,70	
Трансформатор (КТП-60 квт)- Элер Элдор		24 869 565,21	24 869 565,21	
Трансформатор (КТП-63 квт)- Фахриддин Фаё		22 286 956,22	22 286 956,22	
Установка топливораздаточная"Топаз		26 700 000,00	26 700 000,00	
Установка топливораздаточная"Топаз		26 700 000,00	26 700 000,00	
Чизел (кишлог хужалик техника агрегати)		44 956 800,00	44 956 800,00	
Экишгич-сеялка		96 156 000,00	96 156 000,00	
Электр линия ( Жалилов Шукурбобо фх)		65 835 123,00	65 835 123,00	
Электр линия ( Жахонгир Истам заминифх)		50 800 121,00	50 800 121,00	
Электр линия ( Султоншоҳ Мироншоҳ фх)		28 752 983,00	28 752 983,00	
Электр линия (Адизов Музаффар замини фх)		29 055 706,00	29 055 706,00	
Электр линия (Асад Мухаммадиев фх)		18 729 284,35	18 729 284,35	
Электр линия (Ахмад Саид фх)		88 738 366,96	88 738 366,96	
Электр линия (Бахромов Рахмон фх)		74 565 200,87	74 565 200,87	
Электр линия (Бегжон Амирхон Саховат фх)		59 515 186,96	59 515 186,96	
Электр линия (Жавохир Асадбек фх)		19 229 284,35	19 229 284,35	
Электр линия (Жасур Одил фх)		40 948 292,00	40 948 292,00	
Электр линия (Жумабобо фх)		35 820 053,04	35 820 053,04	
Электр линия (Журабек Жахонгир фх)		25 321 146,09	25 321 146,09	
Электр линия (захира ерлари фх)		26 148 421,72	26 148 421,72	
Электр линия (Исмаатхужа фх)		59 867 847,83	59 867 847,83	
Электр линия (Класс Бухоро фх)		66 207 559,00	66 207 559,00	
Электр линия (Когон Бобомурод Умид фх)		43 659 503,00	43 659 503,00	
Электр линия (Когон порлок келажакфх)		53 850 444,00	53 850 444,00	
Электр линия (Мирзобек Расул Адиз фх)		44 602 592,00	44 602 592,00	



Электр линия (Музаффар Ражаб фх)			18 715 199,13	18 715 199,13		
Электр линия (Мэлс Лазизбек фх)			72 489 944,35	72 489 944,35		
Электр линия (Назир Дилшод фх)			36 512 656,52	36 512 656,52		
Электр линия (Ниёзбобо фх)			71 786 491,30	71 786 491,30		
Электр линия (Ниёзов Нурилло Зиёдулл фх)			33 475 391,00	33 475 391,00		
Электр линия (Нур Ислом фх)			46 297 923,00	46 297 923,00		
Электр линия (Олтин бошок чулқувар фх)			19 357 806,09	19 357 806,09		
Электр линия (Сабина Шарифа фх)			19 196 524,35	19 196 524,35		
Электр линия (Саидов Полвонбобо фх)			19 456 096,00	19 456 096,00		
Электр линия (Сафар Жура фх)			19 217 980,00	19 217 980,00		
Электр линия (Сидиков Наби фх)			70 657 307,00	70 657 307,00		
Электр линия (Сохибова Амина Самисвн фх)			28 954 429,00	28 954 429,00		
Электр линия (Тоҳир Бекзод фх)			22 520 349,57	22 520 349,57		
Электр линия (Уртачул)			110 010 501,00	110 010 501,00		
Электр линия (Уртчул пахта сув насос)			51 567 251,00	51 567 251,00		
Электр линия (Фахриддин Файёзбек фх)			101 419 946,09	101 419 946,09		
Электр линия (хайдар чаман замини фх)			112 697 861,74	112 697 861,74		
Электр линия (Хаким Фароғ фх)			26 597 430,43	26 597 430,43		
Электр линия (Холмурод Олмурод замин фх)			83 267 172,17	83 267 172,17		
Электр линия (Хужа Курбонбобо фх)			20 486 766,96	20 486 766,96		
Электр линия (Хушнудбек замини фх)			61 498 344,35	61 498 344,35		
Электр линия (Элёр Элдор фх)			97 114 004,35	97 114 004,35		
Электр линия ППР			188 625 013,00	188 625 013,00		
Итого			7 749 033 803,44	7 749 033 803,44		

### Узоқ муддатли қарздорликлар аудити

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744 сонли қарорига асосан жамиятга қарашли Когон ПТМнинг асосий ва жорий активлари мулк сифатида "Bahor Chance Textile" МЧЖ га беш йил давомида бўлиб - бўлиб тўлаш шарти билан сотилган. Мулкни сотиш 28.06.2019 йилдаги 24-сонли шартномага асосан 05.07.2019 йилдаги 77-сонли ҳисоб фактура билан расмийлаштирилган.

#### Аудитор кузатуви:

Бухгалтерия балансининг 110 сатрида, бухгалтерия ҳисобининг 0940 ҳисоб varaғида Сотилган мулк бўйича "Bahor Chance Textile" МЧЖ қарзорлигининг ҳисоби акс этдирилган. Қарздорлик белгиланган тартибда жорий ва узоқ муддатли қисмларга ажратилган. Эътирозлар мавжуд эмас.

#### Товар моддий қийматликлар ва ишлаб чиқариш захиралари аудити

Моддий товар бойликлари ҳисоби 10.10 – 10.90 баланс ҳисобларида юритилади. Материал ҳисоботлар моддий жавобгар шахслар кесимида олиб борилади. Ишлаб чиқаришга сарфланган бойликлар далолатномалар асосида чиким қилинади. Марказий омбордан бойликлар чикими талабномалар асосида амалга оширилади.

10.10 ҳисобда прейскурант нархларда харид қилинган пахта хомашёси ҳисоби юритилади.

Моддий товар бойликларининг ҳисобот давридаги ҳаракати жадвалда кўрсатилган:

Ҳисоб-варағ	Сўмда	01.01.22да қолдиқ	Айланма		31.12.22да қолдиқ
			Дт	Кт	
<b>10</b>	<b>Материалы</b>	<b>44 889 968 016,08</b>	<b>731 470 532 951,95</b>	<b>669 195 431 212,23</b>	<b>107 165 069 755,80</b>
10.10	Сырье и материалы	37 626 945 425,35	453 547 608 567,93	390 811 160 542,91	100 363 393 450,37
10.30	Топливо	673 820 935,63	94 597 395 125,62	94 343 225 842,27	927 990 218,98
10.40	Запасные части	1 566 863 360,33	4 201 671 339,29	4 589 929 795,35	1 178 604 904,27
10.50	Строительные материалы	10 556 084,10	1 607 407 398,12	1 605 022 961,66	12 940 520,56
10.60	Тара и тарные материалы	1 561 513 009,27	5 537 801 967,49	5 514 248 382,30	1 585 066 594,46
10.80	Инвентарь и хоз. принадлежности	302 353 783,73	2 146 967 532,62	1 776 885 022,11	672 436 294,24
10.90	Прочие материалы	3 147 915 417,67	169 831 681 020,88	170 554 958 665,63	2 424 637 772,92
<b>15</b>	<b>ЗАГОТОВЛЕНИЕ И ПРИОБРЕТЕНИЕ МАТЕРИАЛОВ</b>		<b>9 450 890 468,25</b>	<b>9 450 890 468,25</b>	
15.10	Заготовление и приобретение материалов		9 450 890 468,25	9 450 890 468,25	

Моддий товар бойликларини харид қилиш учун бериладиган ишончномаларни қайд қилиш қўлда юритилади, маҳсулот сотувчиларга ишончномалар электрон тарзда тақдим қилинади. Ишончномаларни қайд қилиш китоби варақлари саналган, шнурланган, раҳбар ва бош ҳисобчи томонидан имзоланиб муҳрланган. Ҳисобот даврида жами 384 та ишончнома берилган, 8 таси бекор қилинган. Эътирозлар мавжуд эмас.

#### Келгуси давр харажатлари аудити

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари бўйича келгуси давр харажатлари ҳисобида йил бошида 1 536 292,5 минг сўм, йил охирида 1 767 351,4 минг сўм қолдиқ кўрсатилган. Бу ҳисобда жамият томонидан уруғлик чигит тайёрлаш биринчи босқич тўловлари ва харажатлари ҳисоби юритилган.

Сўмда	Йил бошига қолдиқ	Айланма		Йил охирига қолдиқ
		дебет	кредит	
<b>РАСХОДЫ БУДУЩИХ ПЕРИОДОВ</b>	<b>1 536 292 479,06</b>	<b>1 767 351 378,19</b>	<b>1 536 292 479,06</b>	<b>1 767 351 378,19</b>
Прочие расходы будущих периодов	1 536 292 479,06	1 767 351 378,19	1 536 292 479,06	1 767 351 378,19

#### Пул маблағларининг аудити

##### Касса ҳисоби

Хазина китоби варақлари рақамланган, тикилган, бош ҳисобчи томонидан имзолаб муҳрланган. Кирим чиқим касса ордерларини ҳисобга олиш китоби мавжуд, касса ордерлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган. Эшик дерезалари металл панжара билан мустаҳкамланган, металл сейф билан ва сигнализация билан жиҳозланган, алоҳида касса хонаси мавжуд.

Жамиятда ҳисобот даврида 8 226 205,0 минг сўмлик нақд пул айланмаси амалга оширилган. Банк ҳисоб рақамидан олинган нақд пуллар меҳнатга ҳақ тўлаш, терим учун туловлар, дивиденд тўлови, моддий ёрдам ва хизмат сафари харажатлари учун сарфланган. Касса операцияларининг юритилиши бўйича эътирозлар мавжуд эмас.

##### Банк операциялари ҳисоби

Бухгалтерия маълумотлари бўйича, ҳисобот даврида асосий ва махсус банк ҳисоб рақамлари айланмалари ва қолдиқлари жадвалда келтирилган

Счетлар (Сўмда)	01.01.22 йда қолдиқ	Айланма		31.12.22 йда қолдиқ
	Дебет	Дебет	Кредит	Дебет
Банк ҳисоб рақами (51 – ҳисоб варақ)	77 001 555,12	268 473 359 292,78	267 855 963 972,72	694 396 875,18
Чет эл валютаси ҳисобрақами (52-ҳисоб варақ)		237 624 777,48	237 624 777,48	
Банк махсусҳисоб рақами (55 – ҳисоб варақ)	1 793 801 627,60	198 049 522 822,53	198 903 210 978,24	940 113 471,89



Бухгалтерия ва банк ҳисоб варақлари маълумотлари орасида тафовут аниқланмади.

### Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аудити

Жами дебитор қарздорлик молиявий ҳисобларда 2022 йил бошида 37 014 571 минг сўм, йил охирида 88 432 364 минг сўм кўрсатилган. Дебитор қарздорлик 51 417 793 минг сўмга кўпайган.

Жами кредитор қарздорлик молиявий ҳисобларда 2022 йил бошида 94 610 227 минг сўм, йил охирида 258 869 240 минг сўм кўрсатилган. Кредитор қарздорлик 174 249 013 минг сўмга ошган.

### Аудитор тавсияси:

Барча дебитор – кредитор қарздорлар билан ўзаро ҳисоб китобларга аниқлик киритиш ва солиштирма далолатномалар тузиш тавсия этилади.

### Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар аудити

Жамиятда меҳнатга ҳақ тўлаш вақтбай ҳамда ишбай усулларда амалга оширилади. Штатлар жадвали юқори ташкилот томонидан тасдиқланади. Жорий йил охирида амал қилган штатлар жадвалига кўра штат ўринлари 306,5 ўринни, шу жумладан бошқарув аппарати ходимлари 11,5 ўринни ташкил этган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби “1С – Зарплата” дастурида юритилади. Унинг маълумотлари бухгалтерия регистрларини юритиш дастури “1С - Бухгалтерия”га қўлда киритилади.

Ҳисобот даврида ойлик маош ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича жами 20 767 973 минг сўм ҳисобланган, шундан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 19 667 571 минг сўм, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўловлар 116 366 минг сўм, моддий ёрдамлар 31 979 130 минг сўм, қолган қисми эса бошқа тўловлардан ташкил топган.

### Аудитор кузатуви:

Ходимларнинг ишлаган вақтлари табеллар асосида ҳисобга олинади, табеллар белигиланган тартибда масъул ходимлар томонидан имзоланган, корхона раҳбари томонидан тасдиқланган. Касаллик варақлари бўйича тўловлар белгиланган тартибда ҳисобланган. Мукофотлар, меҳнат таътиллари ва бошқа тўловлар раҳбар буйруғи асосида ҳисобланади. Танлов асосида текширилганда бирламчи ҳужжатлар маълумотлари ва ойлик маош ҳисобланиши орасида тафовутлар аниқланмади.

### Асосий фаолиятнинг даромадлари аудити

Даромадлар ҳисоби 9000 ҳисобварақларда маҳсулотлар реализацияси кесимида юритилган. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича жамият асосий фаолиятдан олган даромадлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

с/р№	Сотишлар ва хизматлар тури	Сотиш суммаси (сўм)
90.10	Доходы от реализации готовой продукции	205 233 413 633,48
90.10.1	Доходы от реализация Тола	173 651 310 125,85
90.10.2	Доходы от реализация Чигит	16 947 068 886,02
90.10.3	Доходы от реализация Линт	2 559 844 640,22
90.10.5	Доходы от реализация Пух	89 621 375,71
90.10.7	Доходы от реализация посевные семена-готовая часть	11 985 568 605,68
90.20	Доходы от реализации товаров	187 048 870 139,73
90.20.1	Доходы от реализация посевных семян-Внезаводской	5 627 049 626,24
90.20.3	Доходы от реализация материалов прод.как товара	181 421 820 513,49
90.30	Доходы от реализации работ и услуг	3 497 512 640,02
90.30.1	Доходы от сушки ХС	97 315 278,19

90.30.2	Доходы от чистки ХС	414 857 176,39
90.30.3	Доходы от прочих реализации работ и услуг	2 985 340 185,44
	<b>Жами сотишдан олинган даромад</b>	<b>395 779 796 413,23</b>

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (010 сатр) жами сотишдан олинган соф тушум 395 779 796,4 минг сўм кўрсатилган.

#### Сотилган маҳсулот таннархи ҳисоби.

Сотилган маҳсулот таннархи ҳисоби 9100 ҳисобварақларда маҳсулотлар кесимида юритилган. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

счёт№	Сотишлар ва хизматлар таннархи тури	Таннарх суммаси (сум)
91.10	Себестоимость реализ.ГП	180 926 069 408,57
91.10.1	Себестоимость реализ.Тола	149 764 615 491,41
91.10.2	Себестоимость реализ.Чнгит	16 947 068 886,01
91.10.3	Себестоимость реализ.Линт	2 559 844 640,22
91.10.5	Себестоимость реализ.Пух	89 621 375,71
91.10.7	Себестоимость реализ.посевные семена-готовая часть	11 564 919 015,22
91.20	Себестоимость реализ. Товаров	180 874 546 903,74
91.20.1	Себестоимость реализ.посевных семян-Внезаводской	4 954 014 823,10
91.20.3	Себестоимость реализ.материалов прод.как товар	175 920 532 080,64
91.30	Себестоимость реализов. работ и услуг	4 584 433 654,96
91.30.0	Себестоимость реализов. работ и услуг	502 263 372,31
91.30.3	Себестоимость прочих реализов. работ и услуг	4 082 170 282,65
	<b>Жами таннарх</b>	<b>366 385 049 967,27</b>

#### Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисобот йилида 13 603 294,8 минг сўмни ташкил этган. Бошқа даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби 9300 ҳисоб варақларда юритилган. Тақдим этилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича 2022 йилда қуйидаги бошқа даромадлар олинган:

Счет№	Бошқа даромадлар номи	Сумма(сум)
<b>93</b>	<b>ПРОЧИЕ ДОХОДЫ ОТ ОСНОВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ</b>	<b>13 575 869 923,10</b>
93.30	Взысканные пени, штрафы, неустойки	20 508 189,00
93.50	Доход от краткосрочной аренды	45 445 011,83
93.60	Доходы от списания кредит и дебет задолжн.сти	11 803 580 738,31
93.70	Доходы от обслуживающих хозяйств	1 066 199 426,77
93.90	Прочие операционные доходы	640 136 557,19
93.90.1	Доход от полученных скидок по закупке материалов	223 114 775,00
93.90.6	Прочие операционные доходы	417 021 782,19

Бошқа даромадлар асосан бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида тузилган.

#### Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича 2022 йил молиявий фаолиятдан даромадлар: Гиждувон пахта тозалаш заводи акциялари бўйича олинган дивидендлар – 13 572 минг сўм, АТБ “Агробанк” ва ЧЭКБ “Савдогарбанк” депозитларидан олинган фоизлар 192 329 минг сўмни, чет эллик маҳсулот етказиб берувчилар билан амалга оширилган банк операциялари бўйича валюта курси ижобий фарқи 3 798 минг сўмни ташкил этган. Эътирозлар мавжуд эмас.

#### Давр харажатларининг аудити

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари бўйича ҳисобот даврида жами 24 624 260 минг сўмлик давр харажатлари амалга оширилган.



Давр харажатлари	
сўмда	Сумма
Сотиш харажатлари	1 671 912 784,79
Маъмурий бошқарув харажатлар	3 908 749 285,18
Бошқа операцион харажатлар	19 043 597 897,13
<b>Жами</b>	<b>24 624 259 967,10</b>

### Молиявий фаолият харажатлари аудити

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича 2022 йил молиявий фаолият харажатлари куйидагилар ҳисобидан шаклланган:

Ҳисобот даврида Бухоро Агрокластер МЧЖ томонидан фермер хўжаликлари пахтачилик фаолиятини молиялаштириш мақсадида марказлашган тарзда олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар кўринишидаги харажатлар – 15 302 689 минг сўм;

Валюта курсларидаги салбий фарқлар – 1 182 минг сўм;

### Солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар аудити

#### Ер солиғи

Ер солиғини ҳисоблашда жамият меъёрий асос сифатида солиқ кодексининг XII бўлими 49 бобига таянади. Ер солиғи ерга эгалик ҳуқуқи бўйича кадастр ҳужжатларидаги майдонларга асосан ҳисобланган. Ер солиғи завод ҳудуди (Когон шаҳар ДСИ) ва пахта тайёрлов маскани ҳудуди (Қоровулбозор туман ДСИ) бўйича ҳисобланган. Маълумотлар жадвалда кўрсатилган:

№	Ер участкасининг номи	Ер майдони (Га)	2022 йил учун ҳисобланган ер солиғи сўмда
1	Завод – Когон шаҳар	12,86	310 294 149
2	"Қоровулбозор" маскан –Қоровулбозор" туман	9,32	197 981 964
	<b>Жами</b>	<b>22,18</b>	<b>508 276 113</b>

#### Аудитор кузатуви:

Ер солиғини ҳисоблашда 2022 йил учун тасдиқланган ставкалар қўлланилган. Аудит ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орасида тафовут аниқланмади.

#### Сув солиғи

Жамият солиқ органларида ҳисобга турган жой (Когон шаҳар) ва сув ресурсларидан фойдаланиш жойи бўйича сув солиғи тўловчиси ҳисобланади. Сув солиғи бўйича ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орасида тафовутлар аниқланмади. Сувдан фойдаланиш жойлари бўйича сув солиғи маълумотлари куйида келтирилган.

#### Когон ш.

Сўмда	Жами	Ер усти манбаларидан	Ер ости манбаларидан
Солиқ солиш базаси	17 037	607	16 430
1 куб. м учун солиқ ставкаси	х	520	620
Бюджетга тўланадиган сувдан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	10 502 240	315 640	10 186 600

#### Қоровулбозор туман

Сўмда	Жами	Ер усти манбаларидан	Ер ости манбаларидан
Солиқ солиш базаси	6 265	6 265	0
1 куб. м учун солиқ ставкаси	х	520	х
Бюджетга тўланадиган сувдан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	3 257 800	3 257 800	0

#### Мол – мулк солиғи

Мол – мулк солиғини ҳисоблашда жамият солиқ кодексининг XI бўлими, 47-бобига таянади.

Жамият Когон шаҳар, Когон туман ва Қоровулбозор туманида кўчмас мулкга эга. Солиқ органларига топширилган ҳисобот маълумотлари бўйича, мол – мулк солиғини ҳисоблашда база сифатида кўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати - 37 518 630 минг сўм олинган, солиқ ставкаси 1,5% қўлланилган. Жорий йилда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботлари маълумоти бўйича –554 772 минг сўм мол-мулк солиғи ҳисобланган. Тафовутлар аниқланмади.

Сумда	Солиқ солинадиган мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қиймати	Имтиёз йиллик ўртача қолдиқ қиймат	Солиқ солинадиган база	Мол-мулксолиғи
<b>Қорхона маълумоти</b>				
Когон ш. ДСИ бўйича	26 453 800 000		26 453 800 000	396 807 000
Қоровулбозор т. ДСИ бўйича	11 064 830 000		11 064 830 000	157 965 237,5
Жами	37 518 630 000		37 518 630 000	554 772 237,5
<b>Аудит маълумоти</b>				
Жами	37 518 630 000		37 518 630 000	554 772 237,5
<b>Тафовут</b>				
	0		0	0

#### Дивиденд солиғи

2022 йил 6 июлдаги акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси тақсимоти тўғрисида қарор қабул қилинган. Унга кўра тақсимланмаган соф фойданинг 2 860 800 минг сўми жамиятнинг оддий ва имтиёзли акцияларига дивиденд тўлови учун (яъни 2 717 760 минг сўми дивидендга, 143 040 минг сўми дивиденд солиғига (5%) ) йўналтирилган.

#### Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда жамият солиқ кодексининг 7 бўлими, 35-41 – бобларига таянади. Ҳисобот даврида товарлар реализацияси бўйича ҚҚС 11 821 558,4 минг сўмни, харид қилинган моддий бойликлар бўйича ҳисобга олинган ҚҚС суммаси 2 984 961,2 минг сўмни ташкил этган.

#### Ягона ижтимоий тўлов.

Бухгалтерия маълумотлари бўйича, ҳисобот даврида ҳисобланган ЯИТ – 1 740 125 минг сўмни ташкил этган.

Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботлари маълумотлари орасида тафовутлар аниқланмади.

Сумда	ЯИТ
Солиқ базаси (1С ойлик маош) Мехнатга ҳақ тўлаш китоби бўйича	19 667 571,06
Солиқ базаси ДСИга топширилган ҳисобот бўйича	19 667 571,06
Тафовут	0
Тўловлар ставкаси	12,0%
Ижтимоий фондларга тўловлар суммалари (Аудит бўйича)	2 360 108,5
ДСИга тақдим қилинган ҳисоботлар бўйича	2 360 108,5
Бухгалтерия ҳисобида ҳақиқатда ҳисобланган	2 360 108,5
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит маълумотлари орасида тафовут	0
Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботи маълумотлари орасида тафовут	0
1С ойлик маош ва солиқ ҳисоботи маълумотлари орасида тафовут	0

#### Юридик шахслардан олинган фойда солиғи

Фойда солиғини ҳисоблашда жамият Солиқ Кодексининг 19-28 бобларига таянади. Тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва бухгалтерия маълумотлари бўйича фойда солиғи 2 923 900 минг сўмни ташкил этган. Фойда солиғининг ҳисобланиши чегирилмайдиган харажатлар таркиби ўрганилганда тафовутлар аниқланмади.

#### Хусусий капитал аудити



### Устав капитали.

Жамиятнинг устав капитали ҳисобот даври боши ва охирида 6 960 000 минг сўм. Устав капитал тўлиқ шаклланган.

### Резерв капитал

Жамиятда резерв капиталини ҳисоби 8500 ҳисобда, қуйидаги аналитик ҳисобларда юритилган.

**8510** – Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар ҳисоби. Бухгалтерия маълумотларига асосан 8510 ҳисобварақ бўйича йил бошидаги ва йил охиридаги қолдиқ – 2 551 385,8 минг сўм.

**8520** – Резерв капитали (фонди). Акциядорлик жамиятлари туғрисидаги қонуннинг 34-моддасида жамият уставида назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилиши белгиланган. Жамиятнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ушбу Қонунга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Мазкур ҳисоб варағда йил бошида ва охирида 532 421 минг сўм қолдиқ мавжуд.

### Таксимланмаган фойда

Молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича таксимланмаган фойда йил бошида 13 764 298 минг сўмни йил охирида 11 231 636 минг сўмни, жорий йилнинг соф фойдаси 328 138 минг сўмни ташкил этган. Жорий йилда 2021 йил якунлари бўйича олинган, таксимланмаган соф фойданинг 2 860 800,0 минг сўми жамиятнинг оддий ва имтиёзли акцияларига дивиденд тўлови учун йўналтирилган.

### Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар

8840 – Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари ҳисоб варағида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2017 йилдаги №ПК 2742С сонли махфий қарорига асосан солиқ боқимонда қарздорликларининг бир қисмидан кечиш ҳисобига шаклланган мақсадли тушумлар ҳисоби юритилган.

Ушбу ҳисобда йил бошида ва йил охирида 527 779,5 минг сўм қолдиқ мавжуд.

8890.1- Бошқа мақсадли тушумлар ҳисоб варағида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.02.2011 йил №30-сонли “Пахта толасини сотишнинг ички (прейскурант) ва амалдаги (Жаҳон бозори) нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликлари фойдаланиши тартиби туғрисидаги” қарори асосида ҳисобланадиган ижобий тафовут ҳисоби юритилади.

Ушбу ҳисобда йил бошида ва йил охирида 23 512 174, 6 минг сўм қолдиқ мавжуд.

### Жамият иқтисодий ҳолатининг таҳлили

Таҳлил “Давлат иштрокидаги корхоналарнинг молиявий иқтисодий аҳволини таҳлилини ўтказиш туғрисидаги” Регламентга асосан ўтказилди. (АВда 14.12.2018 йилда қайд этилган N 1013) Таҳлил натижалари жадвалда келтирилган:

Кoeffициентлар номи	Меъёр	Олдинги йилда	Жорий йилда
Жорий ликвидлик кoeffициенти	K>2	1,37	1,11
Соф тушум рентабеллиги кoeffициенти		0,11	0,07
Соф фойда рентабеллиги кoeffициенти		0,015	0,001
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кoeffициенти.	K>0,2	0,27	0,10
Ўз маблағлари ва қисқа муддатли қарздорликлар нисбати кoeffициенти.	K>1	0,51	0,17

### Жамиятда ички назорат тизими

**Ички назорат тизими** - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндисидан иборат бўлиб, у

- Қонун талабларига риоя қилинишини;
- Хўжалик фаолиятини ақс эттирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ бўлишини;
- Ишончли ва ўз вақтида бухгалтерия ҳисобини тузишни;
- Хато ва чекланишлардан сақланиш бўйича чора-тадбирларни;
- Буйруқ ва фармойишларнинг бажарилишини;
- Хўжалик мол-мулки сақланишини таъминлаши зарур.

Жамиятга ишлаб чиқариш жараёни учун олиб келинаётган ва чиқим қилинаётган барча товар бойликлар уларга оид тузилган ҳужжатлар асосида корхонага кириш чиқиш назорат постида рўйхатдан ўтказилади. Хўжалик операцияларининг барча ҳолатлари раҳбарнинг розилиги (буйруғи, визаси, ёзма фармойиши) билан амалга оширилади. Рўйхатдаги барча ходимлар билан меҳнатга оид шартномалар тузиш билан бирга моддий жавобгарлик шартномалари ҳам тузилган, жамиятнинг ички тартиб ва меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофатлаш низомлари тузилиб меҳнат коллективи ва касаба уюшмалари тамонидан тасдиқланган. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадларида, энергия (электр, газ) сарфи бўйича ҳисоблагичлар ўрнатилган. Асосий ишлаб чиқариш цехларида, пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш урин жойларида ва кириш постларида видео назорат ўрнатилган.

#### **Активларнинг ҳолати**

Жамиятда активлар ҳолати ўрганилганда қуйидагилар аниқланди: Жамиятда ишлаб чиқариш ҳажмларига мутаносиб оғбор тузилмалари ташкил этилган. Моддий жавобгар шахслар тайинланган. Ҳисобот йилида жамият мулки қуйидаги тартибда санокдан ўтказилган:

- Асосий воситалар ва моддий товар бойликлар қолдиғи 2022 йил 01 декабрдаги 87 И/Ч сонли буйруқга асосан - 2022 йил 01 декабр ҳолатида.

Ўтказилган санок натижалари бўйича жамият раҳбариятига ижро этиш учун кўрсатмалар берилган.

**Аниқланган камчиликлар ва тафовутлар тузатиш бўйича ички аудит хизматининг кўрсатмалари жорий йил давомида оралик ҳисоботларда ва чораклик йиғма ҳисоботларда тақдим қилинган.**

« KOGON PAHTA TOZALASH » АЖ  
ички аудит хизмати бошлиғи

  
\_\_\_\_\_ Ф. Р. Бобомуродов